
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА 2022 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-ОКтябрь ОЙЛАРИДА 7 МИНГ 632 ТА ЯНГИ КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг ўтган 10 оyi давомида Фарғона вилоятида 7 минг 632 та янги корхона ташкил этилди. (деҳқон ва фермер хўжаликларни ҳисобга олмаганда). Вилоятдаги жами корхоналар сони 51 минг 608 тага етди.

Янги корхоналар энг кўп савдо (3260 та), саноат (1609 та) ҳамда қурилиш (444 та) йўналишларида давлат рўйхатидан ўтди.

Худудлар кесимида қараганда, 2022 йилнинг январь-октябрь ойларида Фарғона шаҳрида 1141 та, Қўқон шаҳрида 734 та, Марғилон шаҳрида 487 та, Тошлоқ туманида 447 та, Данғара туманида 417 та янги корхоналар очилди.

Маълумот ўрнида, 2021 йил давомида вилоятда жами 9 минг 300 та янги корхона ташкил этилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-10 19:29:53